O`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog`ot tumani
HOKIMI
QARORI

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март № 614и Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Хужаев Зарипбой Сотимовичнинг қурилиши тугалланмаган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани "Обод" маҳалласида яшовчи фуқаро Хужаев Зарипбой Сотимовичнинг "Обод" маҳалласида жойлашган қурилиши тугалланмаган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 12 мартдаги ХО-Х-759-сонли аризасини, "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 11 мартдаги 1193-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот районидаги И.Дўсов номли колхози аъзоалрининг 1998 йил 26 декабрдаги 4-сонли йиғилиш баёнига, "Уй-жой кодекси"нинг 22, 23-моддаларига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган "Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Боғот тумани "Обод" маҳалласида жойлашган қурилиши тугалланмаган жами қурилиш ости майдони 236,34 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Хужаев Зарипбой Сотимовичга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.
2. Фуқаро Хужаев Зарипбой Сотимовичга ушбу қурилиши тугалланмаган турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига

асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Хужаев Зарипбой Сотимовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу қурилиши тугалланмаган турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **О.Холбоев**